

1994-4233 ISSN

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ
УНИВЕРСИТЕТИ

ФИЛОЛОГИЯ МАСАЛАПАРИ

ЖУРНАЛ 2002 ЙИЛИ
ТАШКИЛ ЭТИЛГАН

ЙИЛИГА 4 МАРТА
ЧИҚАДИ

2018/1

ТОШКЕНТ – 2018

Мехринисо АБУЗАЛОВА

“СОДДА ГАП ҚОЛИПИ ВА УНИНГ ТУРЛАРИ” МАВЗУСИНИ ЎҚИТИШДА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Замонавий таълимни ташкил этишга қўйиладиган муҳим талаблардан бири ортиқча куч сарф этмай, қисқа вақт ичида юксак натижаларга эришишдир, бу талабни юзага келтиришда педтехнологиялар тўла ишончли восита бўла олади. Мақолада тавсия қилинган интерфаол методлардан ўринли фойдаланиш таълим олувчида мантиқий фикрлаш, мавжуд фояларни синтезлаш, таҳлил қилиш учун кенг имконият яратишга хизмат қиласди.

Калит еўзлар: инновацион таълим, ўкув жараёни, график организайзерлар, “Венин диаграмма”, “Инсерт”, “Кластер”, “Нима учун?”, “Қандай?” таълим самарадорлиги, содда гап, қолип, нутқ.

Одним из наиболее важных требований к организации современного образования является достижение высоких результатов за короткое время без чрезмерных усилий, и педагогические технологии могут стать надежным средством для создания этого спроса. Использование рекомендуемых интерактивных методов в статье поможет студентам иметь более широкую перспективу логического мышления, синтеза, анализа существующих идей.

Ключевые слова: инновационное обучение, образовательный процесс, графические организайзеры, «Венин диаграмма», «Инсерт», «Кластер», «Почему?», «Как?» эффективность, простое предложение, модель, речь.

One of the most important requirements for the organization of modern education is the achievement of high results in a short time without excessive efforts, whereas pedagogy can become a reliable means for creating this demand. Using the recommended interactive methods in the article will help students to have a broader perspective of logical thinking, synthesis, analysis of existing ideas.

Key words: innovative education, educational process, graphic organizers, "Venn diagram", "Insert", "Cluster", "Why?", "How?" efficiency, simple sentence, model, speech

“Инновацион таълим” деганда одатда ўкув жараёнига янги (фойдали) элементлар олиб кириш тушунилди. Шунинг учун таълим тизимида инновация ўзгартариш билан бевосита боелик.

“Ҳозирги ўзбек тили” фанини ўқитишдан мақсад Давлат Таълим Станиславович Абузалов – Бухадир ўзбек тилишунослиги кафедраси доценти, филология факултети профессори.

Мехринисо Абузалова – Бухадир ўзбек тилишунослиги кафедраси доценти, филология факултети профессори.

ФИЛЛОЛОГИЯ МАСАЛАЛАРИ

саласи, морфемик қурилиши, сўз ясалиши тизими, сўз туркумлари, синтактик қурилиши, яъни

ўзбек тилининг синтактик тизими, сўз бирикмаси, содда гап синтаксиси, қўйима гап синтаксиси юзасидан изчил илмий-назарий маълумот беришдан, имманент имконият сифатида уларнинг онгида жойлашган ифода воситаларини етказишдан иборат.

Талабалар юқоридаги билим, кўникма ва малакаларни пухта ўзлаштиришлари учун фанни илгор инновациялар, хорижий таълим тажрибаларига таянган ҳолда тақдим этиш педагогдан инновацион ва ахборот технологияларини чуқур ўзлаштирганликни ва педагогик маҳоратни талаб этади.

“Содда гап қолини ва уининг турлари” мавзусини ўқитиша график организерлар: “Балиқ скелети”, “БББ”, “Концептуал жадвал”, “Вени диаграммаси”, “Инсерт”, “Кластер”, “Нима учун?”, “Қандай?” ва бошига чизмалардан фойдаланиши таълим самародорлигини оширади.

Қўйида мана шундай методларнинг бир нечтаси билан танишиб ўтамиз.

«Инсерт» методи. Бу ўзлаштирилиши кўзда тутилган янги мавзу бўйича ўқувчиларнинг муайян тушунчаларга эгаликларини аниқлаш ва уларда матнiga нисбатан таҳдиллий ёндашини кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди.

Жўмладан, талабаларга қўйидаги янги мавзу моҳиятини ёритувчи матнотопшириқ берилган бўлади:

Гап – кишиларнинг бир-бирига фикр, ахборот узатиш учун ишлатадиган асосий бирлик бўлиб, фикр ифодалашнинг энг оддий ва типик кўрининшидир. Гап сўзловчи учун фикр ифодалаш ва ахборот узатиш, тингловчи учун ахборот қабул қилиш воситаси саналади. Киши онгида фикр тушунчалар асосида тикланади. Бу фикр нутқда гап сифатида юзага чиқади. Фикр тушунчалардан ташкил топганлиги каби гап ҳам тушунчаларнинг формаси саналган сўз ва сўз бирикмалардан тузилади. Гапнинг ташкил этиувчилари сўз бирикмаларидир. Гапнинг ифода мақсадини ўзгартирувчи воситалар гап таркибига киритилса ҳам, синтактик қурилишига шаклланади (масалан, сўроқ олмошлиари, юкламалар). Эгасиз гаплар [WПm] гапларда кесим таркибидаги (Пm)нинг шахс-сон маъниоси ўта кучсизланиб, гап таркибидаги эганинг мутлақо бўлмаслигини келтириб чиқаради. Семантик-функционал шаклланган гап ([WП]) ҳам эгасиз гапнинг алоҳида кўрининши: 1. — Бугун бормоқчимисан? — Ҳа. 2. — У ҳам бормоқчими? — Албатта. 3. — Китобни оласанми? — Бўлмасам-чи!

Гуруҳларга бўлинган талабалар ҳамкорлиги остида қўйидаги инсерт жадвали катаклари тўлдирилади.

“Инсерт” жадвали

B	-	+	?
(бу мен билган маълумотларга мос)	(бу мен билган маълумотларга зид)	(мен учун бу янги маълумот)	(мен учун бу фикр тушунарсиз; маълумотни аниқлаш, тўлдириш зарур)
Гап – кишиларнинг бир-бирига фикр, ахборот узатиш учун ишлатадиган асосий бирлик бўлиб, фикр ифодалашнинг энг оддий ва типик кўринишидир.	Гапнинг ифода мақсадини ўзgartурувчи воситалар гап таркибида киритилса ҳам, синтактик қурилишига путур етказмайди (масалан, сўроқ олмонлари, юкламалар).	Эгасиз [WПм] гапларда кесим таркибидаги (Пм) нинг шахс-сон маъноси ўта кучсизланаб, гап таркибидаги эганинг мутлақо бўлмаслигини келтириб чиқаради.	Семантик-функционал шаклланган гап ([WП]) ҳам эгасиз гапнинг алоҳида кўрининиши: 1. - Бутун бормоқчимисан? - ҳа. 2. - У ҳам бормоқчими? - Албатта. 3. - Китобни оласанми? - Бўлмасам-чи!

Кейс методи ишлаб чиқаришда содир бўладиган, аниқ муаммоли вазиятнинг тафсилотидир. Бунда топшириқ белгиланади, талабалар 4-6 кинидан иборат микрогуруҳларга ажратилади, гуруҳлараро мунозара ташкил қилинади, вазият ечими тўғрисида фикр эннитилади, талабалар эксперталар томонидан баҳоланади. Машгулот бўйича хулосалар чиқарилади.

“Содда гап қолини ва унинг турлари” мавзусига оид кейс:

Муаммо: Квалент, ионли, металл боғланиш – лексик-семантик, грамматик, синтактик бирикувлар.

Вазият (ўкув машгулоти асосида):


Кейс методи ишлаб чиқаришда содир бўладиган, аниқ муаммоли вазиятнинг тафсилотидир. Бунда топшириқ белгиланади, талабалар 4-6 кинидан иборат микрогуруҳларга ажратилади, гуруҳлараро мунозара ташкил қилинади, вазият ечими тўғрисида фикр эннитилади, талабалар эксперталар томонидан баҳоланади. Машгулот бўйича хулосалар чиқарилади.

Ўқитувчи талабаларга кимёй фанидаги кимёйи боғланиш ҳақидаги таълимот хусусида фикр юритиб, ҳозирги кимё фанининг энг марказий масалаларидан бири эканлигини таъкидлайди. Валентлик атамаси ва тушунчаси илк боридан кимё фанида қўлланила бошланиб, 1853 йилда инглиз кимёгари Эдуард Франкелд томонидан олиб кирилди. Кимё фанида бирор элемент атомининг бошқа элемент атомлари билан бирика олиш қобилияти деб тушунилади (Ўзбек тилининг изоҳли лугати. – М., 1981. – 172 б.). Валентлик – элементнинг мухим миқдорий тавсифи (Асқаров И. ва б. Кимё. 7-синф дарслиги. – Т., Шарқ, 2005. – Б. 31.). Чунончи, рус кимёгари А.М.Бутлеровнинг элементларнинг кимёвий

тузилиш назариясини кашф қилишида валентлик назарияси мұхым ўрин тутди. Д.И.Менделеев кимёвий элементларнинг даврий системасидаги ўрни билан валентлик ўртасида бөвланиш борлигини исботлади ҳамда фанга ўзгарувчан валентлик түшунчасини киритди.

Үқитувчи: Кимё фанида “бир валентли”, “икки валентли”, “күп валентли” каби атамалар ҳам ишлатилади. Ушбу түшүнчә тиلىшеноислика лисоний бирликларнинг ҳали юзага чиқмаган бирикувчанлик-бириктирувчанлик имкониятлари сифатида қаралувчи лисоний ҳодисага нисбатан қўлланилди. Буни қандай түшүнниш керак?

Талабалар: Валентлик сўзи лотинча “валентия” лексемасидан олинган бўлиб, “куч” деган маънени англатади. Физика фанидан маълумки, куч – ўзаро таъсир ва бөвланиш демакдир. Кимёда валентлик(лар) сонини аниқлашда маълум бир элемент (бир) атомининг модда (молекула) таркибида водороднинг (H) неча атоми билан бирикиши назарда тутилади. Чунончи, H_2O (сув) молекуласида кислород атоми (O) икки валентли бўлиб, у водород (H) атомининг иккитаси билан бириккан. Демак, сув формуласида кислород икки валентли (H_2)дир:



Тиلىшеноислика ҳам ўтган асринг 40-йилларидан татбиқ этила бошланган. Сўзлар ва гаплар бирикувида ҳам валент бөвланиш бор.

Шундан сўнг талабалар ўз жавобларини изоҳлашига киришдилар. Хуласалар турлича бўлди. Ўқитувчи ечимга ойдинлик киритиш учун талабаларга ми никейс ва топшириқларни эълон қилди:

- 1) С.Д.Касиелсон - «О грамматической категории» асари;
- 2) кимёда бир элемент атомининг бошқа элемент атоми билан бөвланиши тиلىшеноислика лексеманинг бошқа лексема билан бөвланиши;
- 3) Л.Тенер қарашлари;
- 4) лексик валентлик.

Савол ва топшириқлар:

1. Кимёвий валентликни тил ҳодисаларига бөлаб ўргангай олимлар ҳақида нима биласиз?
2. Валентликнинг синтагматик муносабат билан алоқадор томонлари нимада?
3. Лексик, грамматик, синтактик валентликлар ҳақида гапиринг.
4. Гап тарқибида сўз бирикмалари бўлади. Шу ўринда ҳам валентлик ҳақида гапирса бўладими?

Кейс ечими:

Фанда жуда кўп кашфиёт ва қонуниятлар Шарқда очилиб, Фарбда нашбу наво топиб, кейин ғарбона бўлиб, Шарққа қайтганидек, валентлик назарияси асосларининг ватани ҳам Шарқдир. Валентлик назарияси тарихи, унинг ўзбек тиلىшеноислигига оммалашини масаласи профессор С.Мухаммедованинг тадқиқот


ишида батафсил ёритилган. С.Мұхаммедова тавсифи бүйіча бу назариянинг қысқа тарихи қыйдагича:

Тил ҳодисаларида валентлик қонуниятларининг мавжуддиги даставал вербосентризм ғояси билан уйғун ҳолатда тушунтирилған бўлса, XIX аср охиридан бошлаб, бу соҳада жиддий изланишлар юзага келди. Жумладан, А.М.Пешковский асарларида феъл бошқаруви тўғрисида, Фитрат лингвистик қарашларида кесимнинг марказий бўлаклиги ва гандаги тўлдирувчилар иштироқининг уига боғлиқлиги масалалари ёритилган бўлса, француз тилишуноси Л.Тенер валентлик тушунчасининг назарий асосларини ишлаб чиқди.

Сўзларнинг бирикни қонуниятлари, валентликни тавсифлаш методикаси, айниқса, Германияда немис тилишунослари томонидан көнг тадқиқ қилинган. Бу соҳада Г.Хелбиг, А.Балвег-Шрамм, Г.Шумахер каби олимларнинг хизмати бекиёс.

Сўзниң маъновий (лексик-семантик) валентлиги тушунчаси ўтган асрнинг 20-30-йилларида шаклланди ва жуда тез оммалашди. XX асрнинг 40-йилларида совет тилишунослигига валентлик тушунчасини С.Д.Каснелсон олиб кирди. Маъновий (семантик) ва синтактик, лисоний ва нутқий валентлик талқини устида олимлар ўртасида узоқ йиллар баҳс давом этди. Мазкур жиддий масала ечимини ўзбек тилишуноси Р.Расулов ва олимнинг издошлари беришди. Олим масалани лисон-нутқ, имконият-воқелик, сабаб-оқибат диалектикаси аспектида талқин этиб; лисоний (семантик) валентлик ҳодисасини имконият, синтактик (нутқий) валентликни воқелик сифатида баҳолади. Шу билан бирга валентлик ҳодисасининг ҳам семантика, ҳам синтаксисга дахлдорлиги диалектик нуқтайи назардан очиб берилди.

Лисоний валентлик сўзниң семантик структурасида мужассамланган янирип имконият, моҳият, умумийлик, заруриятдир. Нутқий валентлик эса лисоний валентликнинг рӯёбга чиқишидир. Масалан, юрмоқ лексемаси ўз маъновий хусусиятларига кўра бир қатор сўзлар билан аниqlаниши талааб этади – юриш ҳаракати кимнингдир томонидан, маълум бир мақсадда, қай бир макон, замон, тарз, шароитда, маълум бир восита билан бажарилади (қар.: чизма):



Шу асосда юрмоқ феъли мана шу маъноларни ифодалайдиган – сўроқларга жавоб бўла оладиган сўзлар билан бирикни қобилиятига эга. Бу лисоний, маъновий қобилиятыдир. Нутқда, кўлланилишда мана шу имконият муайян мөддий шаклда воқеланади. Бундай воқеланишида жуда катта ранг-баранглик мавжуд. Мана шу муайян воқелик семантик (лисоний) имкониятнинг нутқий воқеланиши бўлиб, синтактик (нутқий) валентликни ташкил этади ва шу асосда нутқда гаплар воқеланади. Грамматик валентлик деганда – морфологик шаклнинг ва синтактик мавқе (позиция)нинг ўзига хое бирикувчанлиги, бопча сўз

ёки бўлак билан кенгайишни талаб қилиши ва лексеманинг семантик-синтактик валентлигига таъсири, уни ўзгартириши тушунилади. Чунончи, “Салиманинг китоби” сўз бирикмасида биринчи тобе компонент облигатор валентликка эга ва эгалик қўшимчали ҳокимни талаб қиласди, эгалик қўшимчали ҳокимсиз меъёрий нутқда тўлиқ шаклда воқелана олмайди. Иккинчи компонент эса қаратқич келишиги шаклдаги тобе компонент билан бирекиши имкониятига, яъни имконий (факультатив) валентликка эга ва “Салиманинг китоби” сўз бирикмасида икки грамматик шакл – облигатор валентликли қаратқич шаклининг ва имконий (факультатив) валентликли эгалик шаклининг валентликлари ўзаро уйғулашади. Шунинг учун валентлик нуқтайи назаридан “Салиманинг китоби” сўз бирикмасининг моделини қуйидагича кўрсатиш мумкин: [грамматик шаклининг облигатор валентлиги + грамматик шаклининг факультатив валентлиги].

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Мирзиёев Ш.М. Илм-фан ютуқлари – тараққиётнинг муҳим омили//Халқ сўзи.-2017.-
бяњв. – Б.1.
2. Бальвег-Шрамм А., Шумахер Г. Словарь глагольных валентностей на семантической основе//Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск ХИВ. Проблемы и методы лексикографии. – М.: Прогресс, 1983. – С. 201-226.
3. Йўлдошев Ж., Усмонов С. Педагогик технология асослари. – Т., Педагог, 2004.
4. Кацнельсон С.Д. К понятию типов валентности //Ж. Вопросы языкознания. – М., 1987 – № 3. – С. 21.
5. Неъматов X., Сайфуллаева Р., Қурбонова М. Ўзбек тили структурал синтаксиси асослари. – Т., 1999.
6. Расулов Р. Ўзбек тилида ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари. – Т., 1989. – 141 б.
7. Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили. – Т., Университет. – 2006.
8. Степанова М.Д., Хельбиг Г. Части речи и проблема валентности в современном немецком языке. – М.: Высшая школа, 1978. – 257 с.
9. Эгамбердиева Н., Исмоилова Д., Шарипова Н. Педагогика колледжлари таълим мазмунини прогностика қилиш. – Т., “Фан ва технология”, 2011. – 56 б.
10. www.pedagog.uz